“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
35 - сонли баёнидан кўчирма

2021 йил 11 январь

Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши масофадан туриб http://evote.uz/ электрон овоз бериш хизмати орқали, ахборот-коммуникация воситалари асосида, шунингдек бир нафар банк акциядори (Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) вакилининг бевосита иштирокида “Ипотека-банк” АТИБ Бош офисининг мажлислар залида амалга оширилди.

Йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида шаклланган ҳисоботга асосан (бевосита банк биносида йиғилишда иштирок этган акциядорни инобатга олган ҳолда), “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари реестрига мувофиқ 2021 йил 5 январь ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2’861’787’259’906 дона оддий акциялар эгаси бўлган 13437 та акциядор киритилган. Акциядорлар рўйхати тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Электрон ҳисоботга асосан умумий йиғилишда иштирок этиш учун овоз берувчи 2’644’494’544’625 дона акцияларга эгалик қилувчи 4 та акциядор ва акциядорларнинг вакиллари (349’511’542’812 дона овоз масофадан туриб ҳамда 2’294’983’001’813 дона овоз бевосита иштирок этган ҳолда) рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

Йиғилиш кворуми: 92,41%.

Акциядорларнинг масофавий умумий йиғилиши ишчи органлари One ID Ягона идентификация тизими орқали белгиланган тартибда идентификацияланди ва йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилиб, қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш котиби: **Мерганов Баходир Ибрагимович**

Саноқ комиссияси аъзолари: **Маликова Хилола Рустамовна**
Шакаримова Ольга Алексеевна
Мухитдинов Тимур Садритдинович

Кун тартибидаги масала:

“Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви фаолиятининг асосий кўрсаткичларини (KPI) тасдиқлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (KPI) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ фаолияти якунларини умумий баҳолашда, “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (KPI) билан бирга, тасдиқланган йиллик Бизнес-режа кўрсаткичлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пруденциал нормативлар ижроси ҳам кўзда тутилганлиги инобатга олинсин.

Кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Тарафдор	**Қарши**	**Бетараф**
2’644’344’447’293	0	150’097’332
(99,99%)	(0%)	(0,01%)

Йиғилиш котиби **Б.И. Мерганов**

Ушбу баён 2021 йил 15 январда икки нусхада тузилди.